

УЎК (УДК, UDC): 378.02:37.016

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАЛАБАЛАР ПОЛИЛОГИК НУТҚ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАШҚЛАРИ



**Мохира Турсуновна ДЖУРАЕВА**

Ўқитувчи

Инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

[mxdjuraeva@mail.ru](mailto:mxdjuraeva@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада талабаларнинг инглиз тилидаги полилог нутқини ривожлантиришнинг долзарб масала эканлиги асосланган ва полилогик нутққа ўргатиш машқларининг босқичлари тақдим этилган. Полилогик нутққа ўргатишда талабаларнинг билимлари аниқланади ҳамда гапириш ва ўз устида ишлашни ўргатувчи мотивацион дарс олиб борилади. Полилог нутқ фаолияти ҳақида ахборот ҳамда бадий асарни ўқиш ва матн устида ишлаш бўйича топшириқ берилади.

**Калит сўзлар:** полилог; дидактика; мотивация; реплика; нутқ фаолияти; объект; объектив; субъектив.

## УПРАЖНЕНИЯ ДЛЯ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ АНГЛИЙСКОЙ ПОЛИЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ У СТУДЕНТОВ

**Мохира Турсуновна ДЖУРАЕВА**

Преподаватель

Кафедра методики преподавания  
английского языка

Узбекский государственный университет мировых языков

[mxdjuraeva@mail.ru](mailto:mxdjuraeva@mail.ru)

### Аннотация

В статье обосновывается актуальность развития английской полилогической речи студентов, а также даны этапы выполнения упражнений для обучения полилогической речи. В обучении полилогической речи определяются знания студентов и проводятся мотивационное занятие по говорению и работа над собой. Дается информация о полилогической речевой деятельности и задания по чтению художественной литературы, а также работа над текстом.

**Ключевые слова:** полилог; дидактика; мотивация; реплика; речевая деятельность; объект; объективный; субъективный.

## EXERCISES FOR DEVELOPING STUDENTS' POLILOGIC SPEECH SKILLS IN ENGLISH

**Mohira Tursunovna JURAEVA**

Teacher

Department of Teaching

English Language Methodology

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan  
[mxdjuraeva@mail.ru](mailto:mxdjuraeva@mail.ru)

### Abstract

This article deals with the topical problems of developing students' polilogic speech skills and system of exercises of teaching polilogic speech. In teaching polilogic speech, it is necessary to identify the knowledge of students and to conduct motivational lesson on speaking and working at oneself. Then students should be informed about some certain rules of speech act and have to read literature books, and are taught to work with texts.

**Key words:** polilog; grammar; didactics; motivation; replicas; object; objective; subjective.

Бугунги кунда кўп ҳолларда инглиз тили дарсларида мулоқот монолог ва диалог шаклларда боради, яъни яқка тартибда ёки жуфт бўлиб ўтказилади, мулоқотнинг полилог шаклига кам эътибор берилади. Табиий коммуникатив шароитларда биз айнан полилог шаклидаги мулоқотга дуч келамиз. Чет тилида полилогик нутқни ривожлантириш замонавий лингводидактикада ўрганиб чиқилмаган.

Юқоридаги фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, узоқ вақтлардан бери полилогга етарлича эътибор берилмаган. Дискуссия, диспут, дебат, суҳбат, "айлана стол" каби полилог шакллари инглиз тили мутахассислигидаги талабаларнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида полилогик нутқ малакаларини ривожлантиришга мос келадиган дидактик шарт-шароитлар яратилмаган (1, 85–90).

Талабаларни гапириш маҳоратларини шакллантириш, хусусан муҳокамаларда фаол қатнашишлари тўғрисида кўпгина адабиётларда машқлар ва йўл-йўриқлар келтирилган. Талабалар университетга киргунга қадар етарлича сўз бойлигига эга ва грамматик билимларни эгаллаган. Шунга қарамадан, талабалар инглиз тилида мунозара ўтказишда ўз фикрларини эркин баён эта олмасликлари ўз тажрибамиздан маълум. Буни бир неча объектив ва субъектив сабаблари мавжуддир.

Субъектив сабаблари шундан иборатки, талабалар жамоа олдида фикр баён этишларидан уялишлари, хато қилиб қўйишдан қўрқиш, ўзгалар гапини инкор этиб ўрганмаганликлари ва ҳ.

Объектив сабабларга келсак, бу уларнинг етарлича гапириш кўникмаларига эга эмасликлари, инглиз тилида сўз бирикмалари ва ибораларни спонтан равишда ишлатиш малакалари шаклланмаганлиги, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш қоидаларини тўлиқ билмаганликларидир.

Шу сабабларни инобатга олиб, биз инглиз тилида талабалар полилогик нутқини шакллантириш модулини ишлаб чиқдик. Биз таклиф этаётган модул 6 ойлик муддатни ва қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади.

**1-ой**, 4 ҳафта учун мўлжалланган дарслар.

1. Талабалар билимини аниқлаш.
2. Мотивацион босқич. Талабаларга оғзаки нутқ малакаларини ошириш учун мақсадлар қуйиш ва мақсадга етишишни ўргатиш.
3. Информацион. Полилогик нутқ шакллари ва уларнинг ўзига хос қоидаларини ўргатиш.
4. Билимини аниқлашдан келиб чиққан камчиликларни бартараф қилиш учун индивидуал ҳамда гуруҳлараро вазифалар бериш ( бадий адабиётлар ўқиш, инглиз тилида матнлар тинглаш ва х. )

**2-ой**

1. 2 дақиқалик (доклад) нутқни ташкил этишни ўргатиш. Тил материаллари бериш. ( Кириш сўзлар, иборалар, турли грамматик категорияларни докладнинг қайси қисмида, босқичида қўллашни ўргатиш).

2. Жамоа олдида гапириш, ораторлик қобилияти ҳақида маълумот ва уни амалда қўллаш ( тайёрланган нутқни ташкил қилиш).

3. Тайёрланмаган нутқни машқ қилиш. Диалог шаклида ишлаш.

4. Юқорида олиб борилган дарсларда талабалардаги ўзлаштириш бўйича намоён бўлган камчиликларни бартараф қилиш учун индивидуал ҳамда гуруҳлараро вазифалар бериш.

**3-ой**

1. Кичик гуруҳ суҳбатлари ўтказиш учун видеофильмлардан фойдаланиш. Видеога асосланиб ўз фикрини билдириш. Тил материаллари бериш.

2. Ўқилган бадий адабиётни гуруҳда муҳокама қилиш.

3. Ролли ўйинлар ўйнаш.

4. Юқоридаги этапларда намоён бўлган қийинчиликларни бартараф этиш. Ўзаро баҳолашни ўргатиш.

**4-ой**

1. Дебат ўтказиш техникасини амалда қўллаш. (1-ойда берилган) Тайёрланмаган нутқни ташкил этиш.

2. Айлана стол бўйлаб муҳокама ўтказиш.

3. Ўзаро тинглаб тушунишни, мунозара қоидаларига амал қилишни шакллантириш (видео конференция ташкил этиш).

4. Камчиликлар устида ишлаш.

### **5-ой**

1. Гуруҳларда муаммоли вазиятни ечиш ҳақида маълумот ва амалиёт.
2. Видео ва картадаги муаммоли вазиятни ечиш.
3. 7 минутлик маъруза тайёрлашни ўргатиш.
4. Юқоридаги этапларда намоён бўлган қийинчиликларни бартараф этиш ва баҳолаш.

### **6-ой**

1. Намунавий дебат ўтказиш ва уни видеога олиб талабалар билан биргаликда ҳар бир иштирокчини ва гуруҳни баҳолаш.
2. Намунавий айлана стол бўйлаб муҳокама ўтказиш ва уни видеога олиб талабалар билан биргаликда ҳар бир иштирокчини ва гуруҳни баҳолаш.
3. Намунавий ролли ўйин ўтказиш ва уни видеога олиб талабалар билан биргаликда ҳар бир иштирокчи ва гуруҳни баҳолаш.
4. Умумий натижани аниқлаш ва баҳолаш, 1-ой билан билимларни солиштириш.

Биз таклиф этаётган модул инглиз тили оғзаки нутқ дарсларида, дарсдан ташқари, онлайн ( имо ёки телеграмда, видео конференция) ўтказилиши мумкин. Ҳар бир ҳафта ўзига хос видеолар, тил ва нутқ материаллари, бадий адабиётлардан парчалар ва кейслардан ташкил топган.

Биринчи ойда олиб бориладиган ишлар ҳақида батафсил тўхталсак.

### **1-ҳафта**

1. Талабалар билимини аниқлашда тинглаб тушуниш, ўқиш, грамматика ва лексикага оид билимларни текширишдан иборат бўлган 40 та саволдан иборат бўлган тест ўтказиш. Гапириш малакаси эса 3 этапдан иборат бўлган юзма-юз суҳбат орқали аниқланади.( имтиҳон жараёни видеога ёзиб олинади) Талабалар билим даражаси ёзиб қўйилади.( Масалан В1 даража ва ҳоказо)

2. Талабаларнинг полилогик нутқ ҳақидаги билим ва малакалари, гуруҳ муҳокамаларида иштирок этишдаги индивидуал ютуқ ва камчиликлари анкета –сўровномалар орқали аниқланади.

### **2-ҳафта**

1. Мотивацион дарс олиб бориш. Бунда биз тайёрлаган видео тақдим этилади ва талабалар билан суҳбат ўтказилади. Мотивацион дарс олиб бориш. Бунда тайёрланган видео тақдим этилади ва талабалар билан суҳбат ўтказилади. Дарс мазмуни қуйидагилардан иборат.

Инглиз тили ўрганишдаги ва умуман ўз олдимишга қўйган мақсадларни ёзиб бориш ва унга элтувчи поғоналарга амал қилиш. Мақсадимишга элтувчи поғоналар қуйидагилардан иборат. Инглиз тилида бадий адабиётларни ўқиш,

инглизларга тақлид қилиш, кўшиқ тинглаш, информацион кўрсатувлар томоша қилиш, ижобий фикрловчи инсонларга яқинроқ юриш, классик муסיқа тинглаш, рақс, хобби, бадантарбия (ушбу поғоналар талабаларнинг ўзлаштиришларида субъектив муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради) ақлли инсонлар билан суҳбат ва ҳ.

Мақсадларимиздан узоқлаштирувчи поғоналарга тўхталсак, улар: дангасалик, телефонда чат, интернетдан мақсадсиз фойдаланиш, танқид (ўзни ва ўзгаларни), зарарли одатлар, ғийбат, телевизор кўриш (беҳуда сериаллар). Кўрсатилган омиллар талабаларга ўз устларида ишлашга вақт ажратмай вақтни беҳудага сарфлашларига сабаб бўлади.

Гарчи, тадқиқотимиз объекти тил ва нутқ материалларини ўзлаштириш бўлсада, уринишимиз самарали бўлиши учун ушбу мотивацион тарбиявий дарсдан бошлашни маъқул деб топдик.

2. Дарсдан олинган таассуротлар билан ўртоқлашиш ва тест натижаларига кўра ҳар бир талабага индивидуал истиқбол режа тузишга кўмаклашиш. Бир неча мотивацион видеолар тақдим этиш. Ўз камчиликлари устида ишлаш учун гуруҳ бўйича ва индивидуал вазифалар бериш ( Масалан фикр баён этишга уялувчи талабаларга уйга вазифа қилиб ойна олдида гапириш, ўз нутқини овозини ёзиб жуфтликда эшитиб бир-бирига камчиликларини айтиш ва ҳ.).

### **3-хафта**

1. Гапиришда ишлатиладиган кириш иборалари, жумлаларни боғловчи воситалар, ибора ва сўз бирикмалар материални бериш. Индивидуал гапиришни машқ қилиш.

Талабалар мулоқот технологиясини, полилог жараёнини бошлаш малакасига эга бўлишлари зарур. Бунинг учун биз полилогнинг турли кўринишларида қўллаш мумкин бўлган нутқ репликаларини келтирдик. Уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1-гуруҳдаги тил манбалари маълумот сўрашни ўрганишга қаратилган.

*Do you mean to say that...?; Can you confirm the fact?; Am I right to understand that... ?; I'd like to know about...; Have you got any idea about...?; You know about..., don't you?; Could anyone tell me ...?; How do the views expressed compare with ... ?*

2-гуруҳдаги тил манбалари гуруҳ суҳбатини давомийлигини таъминлашга қаратилган. Ундан айтилган фикрга боғланган ҳолда мулоқотни давом эттириш, бошқа бир фикрга мантиқан узилмай ўтиш, бошқаларни қандай қилиб суҳбатга чорлаш кабилар берилган.

Масалан:

Фикр билдириш, фикрга қўшилиш / қўшилмаслик (expressing opinions, agreements, disagreements): *That's right; As for me I suppose; It seems to me that...; I don't think so...; I see but...; In my opinion/view...; Personally I think...; Yes, that's what I think too; I entirely agree with you; That's a good point; To be honest...; I believe that...; I'd say he/she...; As far as I know; I'm not sure I agree -with that; I understand what you're saying, but...; Wouldn't you say that...; Don't you think that...; I'm afraid I don't agree at all; I think we'll have to agree to differ; Actually I think that...; You may be right, but I still think...; Still I suppose it might be the best opinion, all things considered; etc.*

Фикрни етказиш ва уни кенгайтириш репликалари (expanding phrases): *Besides; Apart from; More than that; I would like to point out that; I believe that; etc.*

Маслаҳат, таклифлар. (advice, recommendation, proposals): *You have to do; Next time I very much hope that; You are welcome; I would be grateful if you would; It's all right if you like that kind of thing, but...; Shouldn't you choose something that will be...; One way of dealing with this would be to...; Wouldn't it be much better to...; Nevertheless, this is a book/newspaper/film well worth considering; If you enjoy epics, this is the film for you; Another solution would be to...; Despite of that...I would recommend...; No matter how..., they mustn't...; We propose to...; This will have the effect of...; In order to avoid.../cause the least damage to...make the most of...; etc.*

Аниқлаштириб олиш мақсадида саволлар (asking for an opinion, information): *What do you think about this matter? What's your idea about this? What makes you think so? How do you know? Where is the clue? Do you think you will...? I would like to know if/whether... ? I would appreciate it if you could give me further details about...; etc.*

Эмоционал реакциялар (emotional reactions): *That's rather strange, awful, nice; Brilliant; Excellent; Just on the contrary; etc.*

Приоритетни аниқлаштириш жумлалари (phrases expressing priorities): *What I would like to do is to...; I can't think of anything more satisfying than...; What's really important to me is to...; For me, the (next) most important thing would be to...; etc.*

3-гуруҳдаги тил манбалари муҳокама қилинаётган мавзунини умумлаштириш, унга якуний хулоса беришга қаратилган. Полилог қатнашчилари барча айтилган фикрларни жамлаш, қисқача баён қилиш ва у асосида якуний хулоса чиқариш малакасига эга бўлишлари керак.

Умумлаштириш (link words: adding points, reporting conclusions): *On the whole; In general; Summing up all you've just said; Let's come to a conclusion; After all I mean; In addition...; On top of that; To make matters worse; To sum up; In conclusion; All things considered, we feel that...; etc.*

#### 4-хафта

Талабаларга китоб ўқиш, яъни бадиий адабиёт ўқиш вазифа қилиб берилади. Сўнгра дарсда матн билан ишлаш техникаси тушунтирилади ва кўйидагича машқлар бажарилади.

Хайнц Леммерман ўзининг “Уроки риторики и дебатов” китобида нутқни машқ қилдиришга оид 10 та асосий машқлар келтиради. Улар нутқ кўникмаларини ҳосил қилувчи оддийдан мураккабгача бўлган нутқ машқларини ўз ичига олади ва фикрни эркин ифодалашга хизмат қилади.

1. Матн ўқиш. Газета мақоласини вақти-вақти билан тингловчиларга кўз ташлаб баланд овозда ўқинг. Кўз ташлаш орқали аудиторияда эркин нутқ сўзлаш даражасига эришинг. Бунда доимо катта бўлмаган парчаларни ўқиб уларни ёдда сақлаш лозим. Баланд овозда ўқиш нутқни идрок этишга тайёрлашда энг яхши машқ туридир, унда фикрлар сўзлардан бирмунча илгарилаб кетади.

2. Маъносини етказиш. 5–10 та гапдан иборат бўлган парчани ўқинг, уни айнан қуйидагича гапириб беринг:

Иложи борича сўзма-сўз (деталларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг) ёки ўз сўзларингиз билан (ўзингиз мустақил нутқ тузинг).

*Not all that Mrs. Bennet, however, with the assistance of her five daughters, could ask on the subject, was sufficient to draw from her husband any satisfactory description of Mr. Bingley. They attacked him in various ways—with barefaced questions, ingenious suppositions, and distant surmises; but he eluded the skill of them all, and they were at last obliged to accept the second-hand intelligence of their neighbour, Lady Lucas. Her report was highly favourable. Sir William had been delighted with him. He was quite young, wonderfully handsome, extremely agreeable, and, to crown the whole, he meant to be at the next assembly with a large party. Nothing could be more delightful! To be fond of dancing was a certain step towards falling in love; and very lively hopes of Mr. Bingley's heart were entertained.*

3. Нутқни идрок этиш. Эркин нутқни юзага келтиришга нима хизмат қилади? мақолаларни ўқиш ҳам эмас, уларни ёдлаб олиш ҳам эмас, балки калит сўзларни ва нутқни идрок этиш асосидаги нутқни шакллантириш машқларини доимий бажаришдир. Нутқни идрок этиш деганда биз нутқ ва идрок ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунамиз: нутқ чоғида фикрни, фикрлаш жараёнида нутқнинг юзага келишидир. Амалда эса бу фикрнинг таянч қисмини калит сўзлар ташкил этади деган маънони билдиради.

Калит сўзлар ораторга тафаккурга оид (импульс) туртки беради, бу эса унга нутқни шакллантириб, фикрни юзага келтиришга ёрдам беради.

Мисол учун:

*An invitation to dinner was soon afterwards dispatched; and already had Mrs. Bennet planned the courses that were to do credit to her housekeeping, when an answer arrived which deferred it all. Mr. Bingley was obliged to be in town the following day, and, consequently, unable to accept the honour of their invitation, etc.*

Бу жумла калит сўзлар ёрдамида бошқача тузилиши ҳам мумкин. Буни оратор учун фойдали томони шундан иборатки, у жумлани эмас, балки калит сўзларни ёдда тутиши керак. У худди шу маънодан қайта-қайта янги жумлалар тузиши зарур. Оратор сўзлаётиб кейинги жумланинг калит сўзларига кўз қирини ташлайди. Науманнинг фикрича кейинги жумла доим ҳозирги лаҳза муаммосидир. (бир обзацдаги 2-гап 1-гапдан келиб чиққан муаммоли гапдир.)

Юқорида 1-ой учун мўлжалланган дарслардан намуналар келтирдик. Ҳар ойнинг охирида талабалар гапириш кўникмаларини қай даражада эгаллаганликлари, мавзунини ўзлаштиришда қийинчиликлари намоён бўлади ва уни бартараф этиш учун индивидуал ва гуруҳ учун мўлжалланган машқларни ҳавола этамиз. Биз тавсия этаётган методика талабаларга инглиз тилида гуруҳ суҳбатлари ўтказиш малакаларини оширишга хизмат қилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедова Л.Т., Нормуратова В.И. Teaching English practicum. – Тошкент, 2011. – 164 б.
2. Леммерман Х. Уроки риторики и дебатов. – М.: Уникум Пресс, 2011. – 336 с.
3. Austen J. *Pride and Prejudice*, 1813. Chapter 61.

#### REFERENCES

1. Akhmedova L.T., Normuratova V.I. Teaching English practicum, Tashkent, 2011, 164 p.
2. Lemmerman Kh. *Uroki ritoriki i debatov* (The lessons of rhetoric and debate), Moscow: Unikum Press, 2011, 336 p.
3. Austen J. *Pride and Prejudice*, 1813. Chapter 61.